

Уйдагилар уйгонмасин дея, калитни охиста буради. Яхшиямки эшик ичкаридан тамбаланмаган экан. Акс холда бўсагада анча кутиб колган, ниhoят хотини тўнгиллаганча келиб, эшикни очган бўларди. Дафъатан хотинининг захил, норози киёфаси кўз олдида жонланди.

“Шуям хаётми, одамни ярим кечаси каллахуш килади. Одамлар хозир уч уйкуни уриб бўлди”.

Одатда бунака иддаоларга эри жавоб кайтармасди. Билади: бир огиз гапирса, хотини ўн огиз килиб кайтаради.

Аёли билан холаваччаси Дилоранинг тугилган кунида танишган. Танишувлари канчалик оддий кечган бўлса, тўйлари хам худди ўшандай ўтди. Ўрталарида нима бор эди? Севгими? Йўк, уларни севишга, тўгрироги, севгини синовдан ўтказишга вақтлари бўлмаганди. Кейинги пайтларда ишдан кеч кайтгани учун хотинига хисобот бермай кўйган. Хотини хам мингирлаб-мингирлаб ётогига кириб кетадиган бўлди. Деворда осилган соат тунги учни кўрсатиб турибди.

Хозир кеч кайтганининг сабабини айтганида хотини жавраши мумкин бўлган гапларни хаёлан ипга тизиб кўрди:

“Вой-вой-эй! Кексаларга жон бунча ширин бўлмаса? Касал бўлса, бориб ётсин! Ана, кизи бор ёнида. Тез ёрдамга сим коксин. Сиз дўхтирмассиз-ку ахир”.

Шу сўзлари кулоги остида жаранглаши билан Таваккалнинг мушлари тугилди.

Хамма маст уйкуда. Кийимларини алмаштирди. Негалигини ўзи хам ўйлаб кўрмади. Ахир одамлар “уч уйкуни уриб бўлди”. Хўп, эртанги бюро масалаларини кўриб чиқиши керак. Кахваранг пижамасини кийди. Бу пижамани унга Калькутта шахри мэри совга килганди. Кўз олдида 35-37 ёшлардаги хушбичим, худди таникли актрисаларга ўхшаб кетадиган хинд аёли жонланди. “Пижамани кийганингизда мени эслаб юрарсиз!” – деганди у ўшанда.

Мэрнинг исми Рани эди янглишмаса. Эри мухандис экан. Агар синфдоши Салмон “запорож”га мундир кийдириб кўйса, худди ўшанинг ўзи бўлади. Эр-хотинни ёнма-ён кўриб, бувисининг бир матали эсига тушган: “Ковуннинг яхшисини ит ейди!”

Юраги ёнаётганини хис этди. Советгични очди. Араб пивосидан тортиб, фин шаробларигача териб кўйилган эди. Негадир кўнгли хеч нима тусамай, советгич эшигини ёпди.

Ётоқхонага ўтди. Дахлизда кўзи телефонга тушди. Яна симини узиб кўйишибди. Хотинининг одати шунака, соат саккиз бўлдими, дарров узиб кўяди. Ўзи билмаган холда телефонни кайта тармокка улади. Худди шуни кутиб тургандек, телефон “сайраб” колди.

Нега дастани кўтармаяпти? Нега жойида котиб колди? Телефон эса хамон жирингларди. Бор кучини тўплаб, дастакни кулогига босди:

– Лаббай...

Нариги тарафдан аввал тушуниксиз шовкин эшитилди.

– Ака, ўзингизни кўлга олинг! Лекин... тез етиб келинг!

Нариги томондан кандайдир йиги товушларини эшитилгандек бўлди. Таваккалнинг ичида нимадир чирт этиб узилди. Икки кўли ёнига осилиб тушди. Дастак аввал маълумотлар китобига, кейин эса полга тараклаб тушди. Юраги тўхтаб колдими? Йўк, юраги уришни тўхтаган одамлар тикка туролмайдилар. У эса хайкалдек котиб турибди. Орадан канча фурсат ўтгани ўзи хам англамади. Балки, бир дакика, бир соат, балки, бутун умр...

Хушини йигиб олгач, хали ходисанинг туб мохиятига етиб бормасдан, хотини ётган хонага томон одимлади, кейин ўгли ва кизи ётган хоналарга бўйланди. Улар ҳам маст уйкуда эдилар.

Кейин Читада юрган Илгорни эслади. У томонларда hozir пешин бўлса керак! Илгор! Бобосини жуда ёктирарди. Агар шу ерда бўлганида, Таваккалнинг ярим юкини елкалаган бўлармиди?

Кўча эшикни очиб, ташкарилади. Тугмани босиши билан лифт эшиги очилди. Лифт деворидаги кўзгуда аксини кўриб, уй кийимида чикканини пайкади. Эсига негадир Калькуттанинг мэри эмас, боя кийим алмаштиргани тушди.

Бу пайтда лифт биринчи каватда тўхтаганди. Яна тўккизинчи кават тугмасини босганида, лифт ҳам огрингандек гичирлаганча, юкорилай бошлади. Лифтдан чикиб, калитни олиш учун чўнтак ковлади. Жин урсин! Калит ҳам уйда колганди. Ишкилиб, эшик кулфланиб колмадимикин?

Елкаси билан ичкари итарди. Хайрият, очик экан. Кўйлагини алмаштириб, пастга тушди.

\* \* \*

...Таниш йўллардан одимлаб борарди. Сохил хиёбони тунги чиройлар нурига гарк бўлганди. Атрофда тирик жон кўринмайди. Икки томондаги анвойи гуллар ҳам сокин мудраётгандек.

Одатда хар куни эрталаб соатда еттида уйдан чиқар, кирк-кирк беш дакика хиёбонни кезарди. Хизмат машинаси уни хиёбоннинг нариги тарафида кутиб турарди. Яқинда шахар ободонлаштириш бошкармаси бошлигининг ялтоклангани эсига тушди:

“Хар куни эрталаб сиз юрадиган йўлларга сув сепиб кўяман. Яқинда янги гул кўчатлари топиб эктирдим!”

Бу хумпар эрталаб хиёбонни айланишини кандай билдийкин?..

Соат саккизларда ишхонасига етиб борарди. Спорт залида бадан тарбия килар, нонуштани ер, соат тўккизга якнлашганида кабинет эшигини очарди.

Мана, hozir ҳам ўша, четига гуллар экилган йўлакдан кетиб бормокда. Йўк, негадир умуман нотаниш бир йўлакдан кетиб борарди гўё! Бир неча йил аввалги мулокот ёдига тушди.

– Таваккал, болам! Анчадан бери Зангезурга бормадим. Жуда согиндим-да, бир обориб келсанг!

– Ўзингиз кўрган-билган Зангезур-да, ота! Ундан кўра, Кисловодскка йўлланма олиб берай, бориб, дам олиб келинг!

– Горус дарасидан тушаётганингда, катта каштан дарахти бор. Халиям турганмикин?

– Кўйиб берса, янтоқ-шувокларни ҳам сўрайсиз, ота!

– Ўша дарахтни мен экканман, болам! Минглаб одамлар унинг соясида дам олиб, отамга рахмат айтиб кетган. Ўша дарахнинг тагида бир чашма отилиб туради.

– Униям сиз очганмисиз?

– Йўк, аввалдан бор эди. Суви кўз ёшидек тиник, муздек совук. Битта кўйни еб, устидан ўша чашманинг бир култум сувини ичсанг, яна корнинг очкайди.

– Э ота, сизга ўхшаб ўз эрким ўзимдамидики, йўллардаги чашмаю каштанларни кидириб юрсам!

– Кидирсанг, нима кипта? Тошлар, қоялар, булоқлар, дарахтлар... хаммаси йўлингда-ку? Улар шоху гадога баробар. Айтишларича, hozir йўлларни тузатишибди, икки-уч соатга

етиб борса бўлармиш...

– Ундан кўра, Кисловодскка боринг!

Ўз овозини ўзи эшитиб, ижирганди. “Сенга ҳам, амалиннга ҳам тупурдим, – деди ўз-ўзига овоз чикариб. – Нахотки бир кунгина вақт ажрата олмадинг отанг учун? Дам олиш кунинг йўқмиди? Таътил кунлари-чи? Иш куни бўлсаям, ярим кунда бориб келсанг, асақанг кетармиди? Биринчи ўринбосаринг бажариб турарди ўша “оламшумул” ишларингни? Локал хизмат машинангни жўнатсанг, ҳадовчининг ўзи ҳам эпларди-ку! Тупурдим сенгайм, ишинггайм!”

Одимлари тезлаша борди. Отаси унинг ишхонаси тарафга тез-тез ўтиб туришини хотирлади. Лекин бинонинг ичига кирмасди. Эшик олдидаги посбонлар темир панжара ихотасида қад ростлаган чиройли бино атрофидаги парқда ишлайдиган қариялар билан танишиб олган, улар билан тез-тез гурунглашарди. Кейин гап орасида ўглини суриштирар, аммо отаси эканини айтмасди. Бўлмаса, холис жавоб ололмади-да!

– У ўзи яхши одамми? Феъли қанака? Одамлар билан муомаласи қанака?

Гарчи ўзини хотиржам тутишга интилса-да, хоҳ яхши гап эшитсин, хоҳ ёмон, барибир, кизариб оларди.

Бир гал ёшгина, қоракўз сержант йигит қариядан сўради:

– Амаки, ўртоқ Қаримлини жуда кўп сўрайсиз-да, қариндошингизми дейман?

– Йўқ, ҳамюртим бўлади, – деганди ўшанда қария.

– Ҳа, ишкилиб, ҳозир ўша юрдошингиз сизни кўрса, салом берармикин?

– Салом дейсиз-а, – гапга кўшилганди фаррош аёл. – Сизни танирмикин ўзи? Бир куни ҳузурига қирувдим. Ўртоқ бошлик, дедим. Эллик йилдан бери кўлимдан шу супурги тушмайди. Ўзим бир ертўлада яшайман. Белим шамоллаганига ўттиз йилдан ошди. Ўғлимнинг юраги касал. Бир хонали бўлсаям, битта уй олишга ёрдам берсангиз, ҳеч бўлмаса, невараларим тузукрок уйда униб-ўссин, дедим. “Хола, уй масаласи билан биз эмас, сахар кенгаши шугулланади”, – дейди. Қошки бунақа ишлар унинг биттаси имзоси билан ҳал бўлишини билмасам.

Қариянинг ранги ўзгарди. Индамай ортига, ўглининг уйига қайтди. Ўзи кейинги пайтларда ўғлиникига камқатнов бўлиб қолганди. Ўғлини кутиб ўтирди. Тавакқал ярим кечаси қириб келди. Отаси ҳамма гапни бир бошдан айтиб берди.

– Ота, нималар қилиб юрибсиз? Қимлардан мен ҳақимда суриштирасиз? Нима қерағи бор? Мен эртага уларнинг кўзига қандай қарайман?

– Рост гапни ана ўшалар айтишади, болам. Қадимги подшоҳлар ҳам қаландар либосида юриб, халқдан ўзлари ҳақидаги фикрларни сўраб юришган.

“Ўша фаррош хотин уй олдимикин?”

Айни чоғда Тавакқалнинг ҳаёлидан ана шундай ўй кечди.

Ўша ходисадан кейин ота ўглининг ишхонасига яқинлашмади. Ўғил ҳам йилда бир-икки марта ота ховлисида хабар олар, беш-ўн дақиқа отаси ва синглиси Салби билан ҳамсухбат бўлар, кейин ортига қайтарди.

Охирги олти ойда отасининг уйдан бошқа ҳамма жойда бўлиб қайтди. Ҳар ҳар замонда телефонда йўқларди:

“Ота, Хиндистонга кетяпман! Қайтишим билан олдингизга бораман!” “Ота, Италияга кетадиган бўлиб қолдим!” “Ота, эртага Индонезияга учяпман. Ундан Австралияга ўтаман...”

Қайтиши билан яна аллақандай мажлислар, кенгашлар, расмий учрашувларнинг кети кўринмас, улар тугаши билан самолёти бошқа тарафга қараб учарди.

“Ўғлим, дунёнинг хар бурчагига боришга вақт топяпсан, фақат бобо юртинг Зангезурдан бошка!”

Бу отаси айтиши керак бўлган, аммо айтмаган гап...

Бугун эрталаб Салби телефон килганди. Овози хаяжонли эди.

– Ака, отамнинг товлари кочиб колди.

– Доктор юборайми?

– Йўк, шарт эмас, ишдан кейин вақтингиз бўлса, келиб кетинг.

– Нега? Докторнинг кераги йўкми?

– Махалламизнинг дўхтири бор-ку, ўшани чакирдик.

– Э, улар нимани билишарди... Ха, майли, бораман!

Кейин согликни саклаш вазирага сим коқди. Консилиум ўтказишди. Пешин пайтида вақирнинг ўзи телефон килиб, умид йўқлигини айтди.

“Шу пайтгача яшаганининг ўзи мўъжиза. Юрак шунча касалликни бошдан кечириб, яна уриб турганига хайронман!”

Вақирнинг айтишича, уч-тўрт ой илгари мурожаат килинса, асраб колишнинг иложи бўларкан. Демак, отаси уч-тўрт ойдан бери огир касал экан-да? Нега бир огиз айтмади?

Ишдан яна кеч чиқди. Хайдовчисига борар манзилни айтди. Бу сафар машинани отасининг уйдан анча берида тўхтатмади, дарвозанинг олдигача хайдади. Уни Гаффор амаки карши олди. Юзини тук босиб кетганига карамай, хушёр эди. Хотини Сона холанинг айтишича, кариянинг тоби кочганидан бери ичмаётган эмиш, беморнинг бошида ўтириб, кизик-кизик хангомалар билан уни овутиб ўтирганмиш. Икки кундан бери тараддуд кўра бошлабди...

Тараддуд? Шундагина ховлининг усти брезент билан ёпилгани, темир харақлар келтириб кўйилганини кўрди. Тўй-маърақада ишлатиладиган козон-ўчоқларни ҳам келтириб кўйишибди.

Отаси ётган хонага кирди. Уй икки хонадан иборат бўлиб, икковининг эшиги ошхона томонга очиларди. Отасига “Юринг, шаҳарга олиб кетай, истасангиз мен билан яшанг, истасанг бошка билан, шарт-шароити яхши бир уй олиб берай”, – деди. Отаси унамади. “Бу уйда мен ота-онамнинг, оингнинг исини туяман, шулар мени одам килиб турибди”, – дерди.

Отаси ўзини бардам тутишга тиришарди:

– Э ўғлим, бу ёруг оламда анчагина яшаб кўйдим. Сулаймон пайгамбарга вафо килмаган дунёга биз устун бўлармидик? Сен кўпам ўзингни олдириб кўйма. Бир-иккита илтимосим бор, шуларни эсингдан чиқармасанг бас!

Отаси шу ерда ҳам ўглини аяди. “Кил” демади, “эсингдан чиқарма”, деди холос.

Бажариш-бажармасликни ўзинг биласан, демокчи-да!

Отаси ўнглинишга уринди, аммо кучи етмади. Салби билан Сонанинг ёрдами билан хиёл ўнглиниб олди.

Кариянинг кўзлари шифтга термулди, огир бир гапни айтмокчи бўлгандек, чуқур нафас олди:

– Мени... онангнинг ёнига кўй, болам. Ўша ердан жой ажратиб кўйганман. Биласан...

Сийрак киприқлари орасидан ёш сизди. Салби унинг ёноқларини артиб кўйди.

– Мен-ку ёшимни яшаб бўлдим, – деди кария хиркираб. – Онанг шўрлик тушдим эсимга!

– Бироз нафасини ростлаб, кизига юзланди. – Салби, чой дамлаб кел, болам!

Кизи отасининг ниятини тушунди. Демак, ўглига айтадиган бирор гапи бўлса керак.

Кизининг қадам тувушлари зоклашгач, ота гап бошлади:

– Таваккал, ўглим! Салбидан хабар олиб тур! Факат шундан кўнглим тўлмаяпти. Бечора кизим... мени деб... мен унинг бахтига зомин бўлдим.

Албатта, биларди Таваккал. Хаммасидан хабари бор эди.

Салби отасини ўйлаб турмуш курмади. Онаси вафот этгач, гоҳ илмий ишини бахона килди, гоҳ юрагини... Совчи юборганлар кўп бўлди. Хаммасига рад жавобини берди. Энди эса, ёши киркка караб кетяпти.

– Корнини тўйгаз, кийим олиб бер, демайман. Худога шукрки, ўз юкини ўзи уддалайди. Маоши хам ўзига етиб ортади. Факат келиб-кетиб, кўнгироклашиб турсанг, бас. Мендан кейин яккаланиб колмасин, дейман.

“Яккаланиб колмасин!”

Таваккал сингисининг келуси хаётини кўз олдига келтириб, бирор ёруглик топа олмасди. Оила куриб, бола-чакали бўлишдан бошка. Салбини оламан дегувчилар хозир хам топилади. Аклли, самимий, чиройли киз. Ёшлик тароватини йўкотганича йўк. Аммо унга уйланадиган эркакнинг ўзи канака чиқади? Салбига муносиб бўлармикин? Агар унга лойиғи учрамаса, Таваккал бир умр виждон азобида яшаши тайин. Чунки оиалада катта фарзанд бўлишига карамай, шу оиланинг асосий ташвишини, кекса отанинг захматини, бевакт бу оламини тарк этган онаизорнинг маърака-маросимларини хам Салбининг ўзи елкасига олганди. Йўк, у Таваккал учун сингил эмас, опа ўрнини босди.

Таваккал институтда ўқиб юрганида хам Салби ундан кўмагини аямади. Ўша пайтларда Салби ўқишдан ташкари уйда тикувчилдик билан шугулланарди. Таваккал Москвага, академияга кетганида, Салби институтга ишга кирди. Шунда хам тикув машинаси тўхтамади. Шу тарика акасига пул, совга-салом юбориб турди. Таваккал юкори лавозимларни эгаллаганидан кейин хам Салбининг совга-саломлари узилмади. Бир караса Эрон пайпоғи, бир караса фин совуни... “Салби, буларни каердан топасан?” – деб сўраганида, у индамай бош иргаб кўя колар, ўша пайтларда ўта камёб саналган бу молларни сотиб олиш учун соатлаб кидирганини айтиб ўтирмасди.

Хўш, энди Салбининг кисмат не кечади? Таваккални бу огир лахзаларда хаммадан кўра шу савол кийнарди.

Отаси эса хириллаб, тўхтаб-тўхтаб сўзида давом этарди.

– Иложи борича, – хансиради ота, – эртага юкоридагиларга хабар килиб ўтирма. – Кейин бироз жим қолиб, бунинг иложини йўклигини тушундим, илова килди. – Агар жуда имкони бўлмаса, жума окшоми хаммаси бир бўлиб, фотихага кела колсин. Отамнинг васияти шунака эди, дея коласан...

Яна сукут...

– Менга уч кун аза тутсанг, етар. Пайгамбаримиз хам шундай деб мархамат килган эканлар. Майда-чуйда ишларга аралашма. Хамма нарсани Гаффорга топширганман. “Топширганман!”

Отаси бу сўз ортида яна бир сирни яширганди: маърака харажатлари хам олдиндан тайёрлаб кўйилган!

– Салби, акангга чой дамлаб кел. Ишдан чарчаб келган.

Бу отанинг охирги сўзлари эди.

Салбий чой олиб келди. Ота жим. Ўгил жим. Чой совиб, музга айланди. Салби яна иссик чой келтирди. Кейин яна... Яна...

Хеч ким гапирмас, хамма сукутнинг чинкиригидан бошка нарсани эшитмасди.

Окшом шу тарика эриб борарди.

– Таваккал укам, бир дакикага мумкинми?

Бу Гаффор аканинг овози эди. Таваккал ташкарига чикди.

– Сиз ишингизга бораверинг! Кайтишда кириб ўтарсиз. Жуда зарур бўлиб колсангиз, ўзимиз телефон киламиз. Таваккал бироз жим колди, кейин эса машинасига ўтирди. Соатига каради. Ўн олтига кам икки... \* \* \* Хиёбоннинг нариги бошига етиб келди. Одатдагидек атрофига аланглади. Жин урсин! Машина чакиргани йўк, бунинг устига эрталаб эмас, ярим кечаси бўлса. Кеча бўлганда ҳам аввалгларига ўхшамайдиган, умуман бошқача кеча. Машина ушлашга тўғри келади. Кўлини чўнтагига скди. Пул олиб чикмабди. Ўзи одатда унга пул керак бўлмасди. Телефон килиб, ишхона гаражидан машина чакирмокчи бўлди. Автомат телефон учун тангаси ҳам йўк эди ёнида. Пиёда кетиш эса... камида бир ярим соат вақтни олади. Кейин мажולי ҳам колмаган, бадани совуқдан жунжика бошлади. Сигарета чеккиси келди. Уям йўк. Нима килишни, каёкка боришни билмасди.

Беихтиёр отасининг бир неча бор айтган сўзларини хотирлади:

– Ўғлим, эркак кишининг ёнида хар доим пули бўлиши керак. Камбагалми, бойми, фарки йўк. Асло пулсиз юрмаслик керак. Бир кун пулга шундай эҳтиёж сезасанки, бошингдаги телпагингни ҳам сотишга мажбур бўласан, агар харидор тополсанг...

Отаси хар доим ёнида пул олиб юрарди. Хатто уруш пайтида, каттол очарчилик йилларида ҳам чўнтагидан пул чиқараркан. Каердан, кандай топишини хеч ким билмас экан.

Биттагина сигарета топилса эди. Канакасидан бўлса ҳам, фарки йўк.

Машина сигнали эшитилди.

– Ха, огайни, бирор ёрдам керак эмасми?

Таваккал хайдовчига ўгирилди.

– Ие, Таваккалмисан? Танимадим, бой бўларкансан.

– Салмон!

Бу ўша Салмон “запорож” эди. Ўн йил бирга ўқишганди. Шахар атрофидаги кишлоқларда кудук казиш билан шугулланарди. Бир марта Таваккалнинг кабулхонасига ҳам борганди.

– Шахарда кудук казимокчиман. Шахар кенгаши кўймаяпти. Анави Валиев деганини бир кулогидан чўзиб кўй.

Валиев шахар хокимлигида бўлим бошлиги бўлиб ишларди.

– Ие шахарда кудукнинг нима кераги бор?

– Огайни, кандай кудуклар чиқаришимни билсанг эди. Шахримиз таги бус-бутун сув экан, якинда ўкиб колдим.

– Кизик одамсан-да, нималарни ўйлаб юрасан, – кейин соатига караганди. – Нариги хонада мажлисим бор. Бўпти, Салмон!

Шундай деб чикиб кетганди.

Салмон бир-икки дакика хонада ёлгиз колганди. Телефонларга тикилиб, ўзича хаёлга толганди: “Ўша мажлисини шу ерда килса бўлмасмикан? Хонанинг катталигини каранглар! Таваккал битта ўзи бу ерда зерикиб кетмасмикин?»

Бир куни Салмон Таваккалнинг уйига кидириб келди.

– Машина олдим, ўрток! Шанба куни бирор ёкка борайлик. Машинани ювамиз.

– Канака машина? – сўради Таваккалнинг хотини истехзо билан.

– Запорожец! Зўр машина экан.

Таваккалнинг хотини ўзини кулгидан тўхтата олмади ўшанда. Салмон “запорож” деган лакаби ҳам ўша кундан колган.

Кейин Таваккалнинг уйига, ишхонасига кўп марталаб телефон килди. Топа олмади.  
– Таваккал, болаларинг билан бир келмайсанми? Хашни жа ёктирардинг. Бир мазза килиб хаш ичардик.

– Таваккал, катикли мантини роса туширардинг, эсингддами? Ойим бунака овкатларга жа уста. Якшанба куни келишнинг иложи борми?

Йўк, Таваккал хаш ейишга хам, манти ейишга хам бормади. Ундан-да мухим илари бор эди. Хар гал телефон килганида, ё мажлисга тайёрланаётган, ё сафарга тадорик кўраётган бўларди....

– Ха, огайни ярим кеча каёкка?

– Отамникига.

– Бўлди, юр кетдик.

“Запорож”нинг торгина салонида жой олди.

– Ахийри шаҳарда хам кудук казидим, – деди у машинани ўт олдиранкан. – Бутун Сартепа маҳаласи яшнаб кетди. Кўз ёшидан хам тиник сув чиқди. Ичиб тўймайсан. Экин-тикинга хам етиб ортади. Бу дейман, Валиевни роса таъзирини берибсан-да?

– Мен Валиевга ҳеч нарса демагандим.

– Унакада нега рози бўлди?

– Сендан кутулмаслигини билгандир-да!

– Кўйсанг-чи, димогидан курт ёгаётганди. Сенинг ёнингга борганимни билган-да! Яна бир-икки жойдан кудук очсам, деб юрибман. Ариза бериб кўйдим.

Таваккал жим эди.

– Ярим кечаси каердан келяпсан, деб сўрамайсан хам.

– Сен сўрадингми?

– Сен ишли одамсан. Бир шаҳарнинг ташвиши бошингда. Кечаси ўн иккида телефон килсам хам, уйда бўлмайсан. Кўпинча ишда хам бўлмайсан. Каерларда бўласан?

– Кўчаларда! Салмон, сигаретанг борми?

Салмон аввал “Космос” чикарди. Кейин бироз ўйлаб, чўнтагига солди.

– Анави ерни кара, “Кент” бўлиши крак.

– Йўк, беравер ўшани.

Машина салони тутунга тўлди.

– Онамнинг мазаси йўк, Таваккал, – деди Салмоннинг овози титради. – Касалхонадан келяпман. Хозиргина уйкуга кетди. Болалардан хабар олай, деб кетяпман. Кундузлари Фарангиз караб ўтиради. Кечалари мен.

Фарангиз Салмоннинг хотини эди.

– Кайси касалхонада? Телефон килиб, бир огиз...

– Раҳмат, шарт эмас. Фаррух бор-ку, синфдошимиз. Хозир ўша ерда бош врач экан.

Фаррухни биринчи курс пайтида бир-икки марта кўрганди. Ўшандан бери алоқалари узилганди.

– Ха, Фаррух юрибдими? Калай?

– Кайфияти аъло! Димоги чоғ! Яхши ҳурмат қозонганга тўхшайди. Сени кўп гапирди. Тунов куни сени телевизорда кўрибди. Роса кулогингни кизитдик. Биласанми, нимани эсладик. Ўшанда саккизинчи синфда ўқирдик. Сохилда Гулар сенинг қуйлагингни бекитиб кўйганди. Ўғирлаб кетишибди, деб ўйладик. Пул йигдик, сенга шаҳардан янги кўйлаб олиб келмокчи бўлдик. Мен автобус бекатига кетаётганимда, Гулар сумкасидан кўйлакни чиқариб, байрокдек хилпиратди. “Пулни энди менга беринглар!” – деб кичкирди. Кейин ўша пулга дўқондан майда-чуйда олдик. Мазза килганмиз ўшанда.

Эсингдами? Гулар сени ёктирарди. Нега унга уйланмадинг?

Гулар билан севги можаролари ёдида эди. Аммо кўйлак воқеасини унутган экан.

– Гуларни кеча касалхонада кўрдим. Кайнонаси онам билан бир палатада ётаркан.

Гуларни огзидан бол томиб мактайди.

Чамаси таваккал ҳеч нарсани эшитмади. Яна битта сигарета ёқди. Машина кенг йўлдан чапга, тор, илонизи кўчага бурилди. Таажжуб, Салмон халиям уларнинг кўчасини унутмабди-да! Ахир бу кўчаларни неча бузиб, таъмирлашди.

Салмон машинасини уларнинг ховлиси олдида тўхтатди.

– Мен ҳам тушаман, – деди таклифни кутиб ўтирмай, калитни чўнтагига соларкан. – Онам касалланганидан бери отангдан хабар олмагандим. Сен келдинг, энди уйғониб колса керак.

Демак, Салмон бу ерга келиб-кетаркан-да! Таваккал жойида котиб колганди. Салмон Таваккал ўтирган тарафдан келиб, эшикни очди.

– Туш, кимни кутяпсан?

Таваккал жим эди. \* \* \* Дарвоза очик эди. Гаффор амаки билан такси Волод ховлида стол-стулларни жойлаштириши билан банд эдилар.

– Вой отам, – деди Салмон бошини чангаллаб. – Во отам, нега менга бир огиз айтиб кўймадинглар?

– Рахматлининг жони ҳозиргина узилди, – деди такси Волод охиста.

– Салбига айтувди, – пичирлади Гаффор амаки. – Бир фаррош хотинга уй тўғирлаб берар экансан. Исми эсимдан чикиб колди. Ким билсин, жон талвасисида алахсирадими?

Йўк, бу алахсираш эмас, кекса отанинг бутун умри давомида ўглидан ягона илтимоси эди.

Таваккал ўзини тутолмасдан хўнграб юборди. Ўзини ичкарига урди. Хамма жим, ичкаридан факат Таваккалнинг бўгик йигиси эшитиларди, холос.

Тонг отай демасди. Умрдан ҳам узун эди бу кеча... **ХИДОЯТ, Озарбойжон ёзувчиси**